

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
**ФАРМОНИ**



**УКАЗ**  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил “ 19 ” июль № ПФ-5487 “ ” 20 г.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги  
ПФ-4966-сон “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини  
тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш  
чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا ўзгартиришлар  
киритиш ҳақида**

Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, одил судловнинг сифатли амалга оширилишини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун туманлараро, туман (шаҳар) судларининг иш билан бандлигини мақбуллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сон “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Ф.Камилов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Маълонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2018 йил 19 июлдаги ПФ-5487-сон  
Фармониغا  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги  
ПФ-4966-сон “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини  
тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш  
чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 9-бандда:

тўртинчи хатбошисидаги «654» ва «252» рақамлари тегишинча «644» ва «247» рақамлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «418» ва «209» рақамлари тегишинча «440» ва «220» рақамлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошисидаги «904» ва «321» рақамлари тегишинча «900» ва «319» рақамлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошисидаги «433» ва «181» рақамлари тегишинча «425» ва «177» рақамлари билан алмаштирилсин;

2) 10-илова куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Туман (шаҳар) маъмурий судларининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Жами бошқарув ходимларининг сони 2-6 бирликни, шундан судьялар сони 1-3 тани ташкил этади.  
Туман (шаҳар) маъмурий судлари бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 440 бирликни, шундан судьялар сони – 220 тани ташкил этади.

\*) Ёрдамчи ходимлар штат бирликлари сони ўрнатилган меъёрлар асосида аниқланади»;

3) 12-иловадаги «654» ва «252» рақамлари тегишинча «644» ва «247» рақамлари билан алмаштирилсин;

4) 14-иловадаги «904» ва «321» рақамлари тегишинча «900» ва «319» рақамлари билан алмаштирилсин;

5) 16-иловадаги «433» ва «181» рақамлари тегишинча «425» ва «177» рақамлари билан алмаштирилсин.